XALQ DEPUTATLARI SHOFIRKON TUMANI KENGASHI
QARORI

Shofirkon tumani, Mustaqillik ko‘chasi, 4-uy. Tel: (365) 502-20-04

2023 - yil 15 - fevral VI-73-20-2-41-K/23 Shofirkon tuman hokimligi

Шофиркон туман маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддаларига асосан Халқ депутатлари Шофиркон туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Туман ҳокимининг туман маҳаллий бюджетининг йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан иловага мувофиқ маблағлар йўналтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Н.Рахмонов), туман ҳокимлиги молия бўлими (Н.Наимов) билан биргаликда:

мазкур қарорни иловасига мувофиқ кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш учун туман хокими фармойиши лойиҳасини бир ҳафта муддатда тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси талаблари асосида туман маҳаллий бюджетининг тасдиқланган параметрларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришларни киритиш вазифаси топширилсин.

3. Туман бўйича ғазначилик бўлинмаси (Д.Жабборов) ажратиладиган маблағларни белгиланган тартибда “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида мақсадли ишлатилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш,

инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Рахмонов зиммаларига юклатилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Sessiya raisi **A.A.Obidov**

Xalq deputatlari Shofirkon
tuman Kengashining
2023 yil 15 fevraldagi
VI-73-20-2-41-K/23-son
qaroriga
1-ilova

Йил бошида шаклланган Эркин қолдиқ маблағлари хисобидан йўналтирилиши кўзда тутиладиган маблағларига қўйилиши тўғрисида маълумот

№	Бажариладиган хизматлар ва товарлар номи	Маблағ (минг сўмда)
1	Тумандаги мактабгача таълим ташкилотларининг иситиш тизимини таъмирлаш учун зарур қурилиш материаллари ва кўплаб ота-оналарнинг мурожаатларидан келиб чиқиб юмшоқ ва қаттиқ жихозлар харид қилиш харажатлари	900 000,0
2	Туман Ободонлаштириш бошқармаси ходимларига ишлаши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида махсус кийим-бош харид қилиш харажатлари	400 000,0
3	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.04.2021 йилдаги 258-сонли қарорига асосан туман ҳокимлиги молия бўлимига хизмат автомашинаси харид қилиш харажатлари	150 000,0
4	Халқ депутатлари туман Кенгашининг даврий нашрларга обуна харажатлари	4 000,0
5	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шофиркон туман "Халқ қабулхонаси" га орг.техника жихозлари харид қилиш харажатлари	8 000,0
Жами		**1 462 000,0**